

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

○ Узбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган тўғрисида қўшма ахборот имзоланди. Иккала мамлакат ҳукуматлари Пекин шаҳрида Узбекистон Республикасининг элчихонасини ва Тошкент шаҳрида ХХР элчихонасини очишга қарор қилдилар.

○ 3-4 январь кунлари Хоразм воҳасида содир бўлган кучли ёнғингарчилик пировардида чинакам табиий офатга айланди. Бу ерда ёмғир жалага, томчилар эса музга айланди. 3 январь кечга бориб қор бўрон бўлди. Натيجада қишлоқ ҳужалиги ва аҳоли хонадонларини ҳисобга олганда ҳам вилоят 37 миллион сўмлик зиён кўрди.

ҲАМДУСТЛИКДА

○ Қора денгиз флотининг кўмондони адмирал Игорь Касатонов Украина Президентининг флотни Украинага содирликка қасамд килдириш тўғрисидаги фармойишни бажаришдан бош тортиди. У Қора денгиз флоти Муствақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Куроли кучларининг Бош кўмондонини ва Ҳарбий-Денгиз флотининг Бош кўмондонига бўйсинишни давом эттиришни айтиди.

○ Грузия Президенти Звиад Гамсахурдия 6 январь кунини эрталаб ўзига содиқ 80 киши билан Тбилисидан Ҳукумат уйини тарк этди ва Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрига келди. Сўнги хабарларга кўра у Арманистонда сиёсий бошлана олиш ниятида. Грузияда ҳокимиятни қўлга олган Ҳарбий кенгаш янги сайловлар ўтказишни маълум қилди.

○ 5 январдан бошлаб Арманистонда ҳам эркин нарх-наволар жорий этилди.

○ «Интерфакс»нинг маълум қилишича, Санкт-Петербург шаҳар суди 1969 йилда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби Леонид Брежневга суиқасд қилган собиқ кичик лейтенант Виктор Ильинга 24 йиллик маҳкуматни қўйиб, қўриқхонадан пул томони тўла ҳақида қарор қабул қилди. Бу тавон Ленинград ҳарбий округи томонидан тўлангани керак. Ана шу миқдордаги пул Виктор Ильин суиқасдини амалга оширганидан сўнг 20 йил мобайнида Қозонда мажбуран рўж дөвланишига маҳкум этилгани учун тўлиниши керак.

ХОРИЖДА

○ 5 январда Юрмалада Латвия, Литва ва Эстония раҳбарларининг Болтик кенгаши бўлиб ўтди. Унда Муствақил Ҳамдўстлик Давлатлари раҳбарларига Болтик давлатлари ҳудудидан собиқ СССР Куроли кучлари таркибиде хизматни ўтаётган ўз фуқароларини қачқириб олишга даъват қилинди.

○ Германия ташқи ишлар вазирлиги вакили ГФРнинг иттифоқчилари Боннинг Муствақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикаларни Шимолий Атлантика ҳамокорлик кенгашига қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаётганлигини айтиди Унинг таъкидлашича, бу масала келгуси сешанба кунини Брюсселда ўтказилиши мўлжалланган НАТОнинг доимий кенгаши мажлисида муҳокама этилади.

○ Буюк Британияда чиқадиган «Санди таймс» рўномасининг айтишича, Жазаир Ироқ ёрдамида атом бомбаси яратишга ҳаракат қилапти.

○ Утган жума кунини Кубадан АКШга вертолётни олиб қочган 34 нафар кубаликдан 33 нафарига Америка Қўшма Штатлари сиёсий бошлана берди.

БУ – ТАРИХИЙ КУН

Парламент мухбиримиз ўн иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги ташқари тўққизинчи сессияси қатнашчиларидан айримлари билан учрашиб, таассуротларидан сўзлаб беришни, ўз фикрларини баён этишни илтимос қилди.

2515-автокорхонанинг устаси Баҳодир Жўрабоев: — Тўққизинчи сессия навбатдан ташқари чақирилгани билангина эмас, балки унда қўрилган ва қўриладиган масалалар моҳияти билан ҳам аввалги сессиялардан фарқ қилади. Олий Кенгаш ялпи мажлисларининг бошланиши гоат ҳаққонли бўлди. Айниқса, умуумхалқ томонидан сайланган Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг «Узбекистон Республикаси» Президенти лавозимини бажаришга киришишга бағишланган маросим тантаналари барча депутатлар сираси меннинг ҳам қўлида муҳридан қўлди. Табриклар, олиншлар ҳасабид бўлди. Президентга миллий тўни-якка ва дўппи кийдирилгани мазкур сессияда илк бор кўрди. Бу албатта халқимизнинг Ислам Каримовга ишончи бекиёшлигини далолатлар.

Ана шу ишончнинг оқлаш учун у дилдан ҳасамд қилди. Узбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Республика давлат мустанқилини тўғрисидаги референдум яқуларни ҳамда Президентимизнинг қасамдиди тарихда қолади. Авлоқларимиз мустанқилигимизнинг дебора қадимлари ҳақидаги ҳужжатларни ўқиганлариде бизнинг нечоғлик қийинчилик билан иш бошлаганимизни англайдилар. Бу — тарихий кун бўлди. Сессияда оғир ва машаққатли шароитдан ақл-идрок, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан қўтилиш тадбирлари ҳақидаги масалалар муҳокама этилаётганлигини айти мудоаодир.

Бизнинг корхонамиз жамоаси ҳам эҳтиёт қисмлар, ёқилги ва мойлаш материаллари танқислигини бошдан кечирмоқда. Муҳандис ва бошқа мутахассисларимизнинг ишбилармонлигини туфайли 1991 йилни арзрли яқуладик. Одамлар тушлик овнатга пул ва 13-маош олишга эришдилар. Аммо, бу ҳали биз кутган натижа эмас. Янги йилнинг «дастлаб»и меҳнат ҳафталагини жамоамиз кўтарини рўхта бошлади. Ишончманни, бу йил қўнғилдаги натижаларга эришамиз.

«Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-фабрикани бригадир Мукаррам Оқилова: — Сессияда Президентимиз таъкидлагандек ишбилармонлик ҳозирги шароитда гоат муҳим. Буни биз

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар



«Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг моҳир тикувчилари ҳақида ҳар қанча гапирсанг оз. Айниқса тайёр маҳсулотга пардоз берувчи қизлардан Мастура Аҳмедова, Гулмира Рисиева ва Марҳабо Тўлағановалар меҳнат таҳсинига лойиқ. Бу уч дугона ҳар доми ўз зиммаларидан режаларини ортинги билан адо этишди. Холмат Мирзақаримов сурати.

Утган йил Урта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси иши ва хизматчилари учун қувончли бўлди. Корхона ўзининг 50 йиллик тўйини ишонч билан бирлашманинг меҳнатде ўрнат қўрсатган бир гуруҳ аъзолари ҳукумат мукофотлари ва сазвор бўдилар. Улар орасида корхона бош директори Тоҳир Маҳкамов ва иши Улуғбек Муҳаммаджўраевлар ҳам бор. Уларга Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган сановат ходими» деган шарафли унвон берилди. Шу ўринда хуш, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида корхонанинг тезда ўз йўналишини топиб олишида, шаҳримиздаги ўзга йирик ишлаб чиқаришчилар сингари кўп азият чекмай тараққий қилишга ўтиб олишга сабаб бўлган омили нимада, деган савол туғилиши тавба.

Олинги айтиш керак, мамлакатда бошланган ширкатчилик, ишлаб чиқариш ва бошқаруving янги усули сановат корхоналарига қўнган кезларда бирлашманинг иқтисодий аҳоли анча танг эди. Узини ўнглаб олишининг бирдан-бир йўли давлатдан узоқ муддатли қара олиш ва олинган пул қисомига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш эвазига даромедни ошира бориб қарздан қутилиш лозим эди. Шу йўл билан корхонада кенг тарқалган ишлар бошлаб юборилди. Цехлар ўрнида ширкатлар пайдо бўлди. Ишга муносабат ўзгарди. Ойлик маошининг ошини туфайли меҳнатда бўлган қизикчи кучайди. Ширкатчилик ўзини оқлади. Бирлашманинг қарзлари ҳам аста-секин қоплана бошларди. Хуллас янги усул ўз афзаллигини кўрсатди.

Бирлашмада ширкатчиликни биринчи бўлиб, халқ истеъмол буюмлари тайёрлаш чехи бошлаб берди. «Восход» номи билан аталган бу ширкат дастлаб майда корхонага айлантирилди. Илгари оддий чех қисобланган ушбу ишлаб чиқариш участкасида режалар бажарилмаган бўлса, айти кунларда бу ерда маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки баравар ошди.

Ширкатчиликда тузуқини даромадга эга бўлган цехларни ижара корхонасига айлантириш унчалик қийин қўмади. Корхонанинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолган иши ва хизматчилар янада умумли меҳнат қила бошлардилар. Маҳсулотлар

Бирлашмада айти кунларда 20 га яқин майда ва ижара корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бошқариш ва ишлаб чиқаришда раҳбарликнинг бу янги усулига фақат товар тайёрланадиган асосий цехларгина эмас, балки ёрдами участкалар ҳам ўтишди. Автотранспорт, механика, электр энергия таъминоти, қурилиш ва бошқа бўлимлар шулар жумласидандир.

Халқ ҳужалиги учун зарур бўлган кабел ва силлар тайёрлаш ижара корхоналарининг асосий вазифаси, шартнома мажбуриятларини бажариш эса уларнинг бурчи ҳисобланади. Бироқ ишлаб чиқаришнинг таъминоти, қиёсийлик, имкониятларни қиёсийликнинг қўллаш эвазига айти кунларда бу ширкат дастлаб майда корхонага айлантирилди. Илгари оддий чех қисобланган ушбу ишлаб чиқариш участкасида режалар бажарилмаган бўлса, айти кунларда бу ерда маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки баравар ошди.

Ширкатчиликда тузуқини даромадга эга бўлган цехларни ижара корхонасига айлантириш унчалик қийин қўмади. Корхонанинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолган иши ва хизматчилар янада умумли меҳнат қила бошлардилар. Маҳсулотлар

Бирлашмада айти кунларда 20 га яқин майда ва ижара корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бошқариш ва ишлаб чиқаришда раҳбарликнинг бу янги усулига фақат товар тайёрланадиган асосий цехларгина эмас, балки ёрдами участкалар ҳам ўтишди. Автотранспорт, механика, электр энергия таъминоти, қурилиш ва бошқа бўлимлар шулар жумласидандир.

Халқ ҳужалиги учун зарур бўлган кабел ва силлар тайёрлаш ижара корхоналарининг асосий вазифаси, шартнома мажбуриятларини бажариш эса уларнинг бурчи ҳисобланади. Бироқ ишлаб чиқаришнинг таъминоти, қиёсийлик, имкониятларни қиёсийликнинг қўллаш эвазига айти кунларда бу ширкат дастлаб майда корхонага айлантирилди. Илгари оддий чех қисобланган ушбу ишлаб чиқариш участкасида режалар бажарилмаган бўлса, айти кунларда бу ерда маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки баравар ошди.

БУЮК ҲАКИМ ШОГИРДЛАРИ

Яқинда ишга туширилган Абу Али ибн Сино номли ҳужалик ҳисобидеги шифохона Ҳама қўсасидаги 17-уйда жойлашган. Унинг асосий йўналиши буюк ҳаким томонидан қашф этилган текшириш ва даволаш усулларидан кенг фойдаланиш, шифобахш гиёҳларни қайта ишлаш ва уларни дори сифатида қўллашга қаратилган.

Шифохона қошида доимий ишлайдиган поликлиника мавжуд. Бу ерда беморлар шу ернинг ўзида физиотерапевтик усуллар, яъни сиша, уқалаш, мацуал даво бериш, шифобахш гиёҳлар, асал ва унинг бирикмалари, зулук ва банка қўйиш ёрдамида даволанадилар. Масалан, киши шикастланганда, оёқ ёки қўл ҳаракатлари сусайганда қайта тиклаш муолажалари қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, беморларни фақат кундузи даволаш усулларини ҳам фойдаланилмоқда.

Бу ерда шунингдек шикастланган бўғин, бел оғриги, невроз, жинсий ожизлик, ошқозон-ичак, аёллар жинсий аъзолари касалликлари, сурункали спиртли ичимликлар ичадиган, қандли диабет, ҳалдан ташқари семирб ёки озиб кетган, ортопедик ва тери касалликларига учраганлар ўз дардларига шифо топтоқдалар. Зарурат туғилганда тиббиёт ходимлари беморларни уларига бориб ҳам даволайдилар.

Туроб ҲАСАНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.



Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи тоифадаги моҳир моделчиси Елена Трегубова томонидан тайёрланган янги қўлақлар қўйилди.

Демак, савол бериш Сиздану, жавоб қайтариш каминдан экан-де, — дея ўриндиқа ўрнатиш ўтириб экан Тохир ака Қосимов мулоим кузлари билан менга қаради.

— Ундай бўлса биринчи саволнинг эшитинг. Бир кун хузурингизга келиб ҳамширалардан шундай гапни эшитиб қолдим: «Носир аканинг аҳолилари оғир, юраклари безовта қиллати, қон босимлари кўтарилиб кетибди, иложи бўлса безовта қилмай қўя қолинг», дейишди. Сир бўлмас айтилган, унда ўзингизга нима бўлувди, ахир табибнинг ўзи ҳам шундай оғир бемор бўладими!..

— Уша сиз айтган кун одатим бўйича эрта саҳарлаб ишга келган эдим. Бўлимда ётган оғир хасталарнинг аҳоли ҳамширалардан сўраб кўнглим жойна тунди. Кейин касаллик тарихини ёзиб ўтирган эдим шу пайт рангларни кўз ўчган ҳамширамиз келиб бўлимизда ётган бир беморнинг аҳоли бирдан оғирлашиб қолганидан, миясига қон қуйилиш аломатлари пай-

Ха, шифокор юқорида айтганимдек беморнинг энг яқин кишиси, энг яқин сирдоши бўлиши лозим. Бундан Тохир ака у тахисини аниқ ва тўғри қўйиши керак. Бунинг учун ўз савияси, билими-ни ошириш устида мунтазам ишлаши даркор.

Фарзандларим масаласига келганда касб танлаш ихтиёрини мен уларнинг ўзига қўйиб берганман. Фақат битта қизим — Зуҳра келажакда ҳамшира бўлишга аҳд қилган. «Мен ҳам сиз каби беморлар дардига малҳам қўймоқчиман, дада», дейди у. Ниятига етсин.

— Сиз яхши шифокор бўлиш билан бирга кўпчиликка насиб этавермайдиган бахтга мушарраф бўлган кишисиз. Мен бу ўринда сизнинг ўз устозларингиз, раҳбарларингиздан жуда эмалди эганини, гингизини назарда тутмоқчиман. Профессор Ниёза Келгинбоев билан бирга илмимизга, мана ҳозир бўлса Ленин мукофоти соҳиби, академик Елқин Тўрақуллов каби аллома билан бир жойда ишлаш бахти...

— Бундан 33 йил муқаддам шу илмгоҳга (у пайтда у ўлка табobati

— Мана сиз 35 йилдан бери шифокор-сиз. Тиббиёт фанлари номзодисиз. Айтин-чи, нега бизнинг тиббиётимизда оғриқли нуқталар жуда кўп. Аҳолини тўзатиш учун сизнингча нималар қилиш керак!

— Дарҳақиқат, муаммолар жуда кўп. Мутахассисларни тайёрлаш кўнгидагидек эмас. Бунинг устига дори-дармонлар ҳам етарли эмас. Беморларга яратилган шароитлар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Тиббий ускуналар ва жиҳозлар масаласида ҳам анча орқадамиз. Шукрлар бўлсинки энди бу борада ижобий томонга дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Тиббиёт илмгоҳларига шу соҳада ишлаганларнинг қабул қилинаётганлиги жуда яхши. Шифокорлик касбини эгаллашга қизиққан ёшларни қабул қилиш керак. Ёшларнинг агар ёшларда старли илмий, қизилган бўлмаса, фанни эгаллай олмайд. Ҳатто битирганда ҳам у нафақат ўзига, балки беморга ҳам жабр қилади.

— Ҳаммаиз ширин гапга ташнаман. Айнақса шифокор ширинсухан бўлиши керак. Лекин шундай шифокорлар ҳам борки, бир оғиз дағал сўзлари билан бемор кўнглини оғриб қўйишади. Шундай кишиларга муносабатингиз қандай! Умуман шифокор одоби ҳақида нималар дея olasiz.

— Шифокор ширин сўз, касалга меҳрибон, унинг сўзларига сабр-бардош билан қўлоқ соладиган одам бўлиши керак. Шундай хасталиклар бор: бемор ўта инжиқ бўлади, кўп нарса талаб қилади. Лекин нима бўлганда ҳам шифокор энг оғир вазиятларда босиқ ҳамда ваэмин бўлиши керак. У чидамли, сабр-тоқатли бўлиши керак. Фақат ширин сўзи билан унинг шифо топишига ишонтира билиши керак. Бу нарса унга обрў олиб келади ва беморнинг муҳаббатига сазовор қилади.

— Мана бир жойда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эндокринология илмий-тадқиқот илмгоҳи узоқ йиллардан бери самарали ишлаб келмоқдасиз. Бир жойда муним ишлаш ҳам ҳар бир кишининг қўлидан келавермайдми. Сизни бошқа жойларга, маоши кўпроқ, гапсиз камроқ ишларга ҳам ҳеч тақлиф этишганими!

— Ҳақимизда «Дарахт бир жойда кўқаради» деган ақоийб нақл бор. Мен шу нақлнинг нақадар тоғиб айтилганига кўп бор имон келтирганман. Бошқа жойларга ишга тақлифлар кўп бўлган. Луначерский номидаги санаторияга, кардиология илмгоҳига ва бошқа жойларга ўз мутахассислигим бўйича ишлаган кўп тақлиф қилишган. Лекин мен маоши кўп ишларга, маъсабга асло-асло учмадим. Олди шифокорликдан бўлим мудир лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтганимдан, ўз шифокорлик фаолиятим давомида минг-минглаб беморлар дардига малҳам бўлганимдан осовнаман. Ишимдан асло юлмайман. Ямамода ҳурмат қилинади. Ишончман мени ўзига оҳанрабодек тортиб туради. Бу нарса катта гап ахир.

— Ҳаётда ҳеч армонингиз борми, ушалай қолган озуралингизчи!

— Бир кам дунё дейдилар. Менимча ҳаётда армон йўқ киши бўлмас керак. Озурали ушалай қолган кишилар ҳам сон-саногсиз. Ҳаётда келганда шунинг айтмоқчиманки, докторлик ишим материаллар дегули тайёр эди. Лекин бир нохуш воқеа сабаб бўлиб соғлигим кескин ёмонлашди. Кейинчалик чўқур ўйлаб қолдим: агар фан доктори бўлсам касаллардан узоқлашиб кетмаскиманман. Кел, фақат касаллар ичда бўлай, ҳар кун уларни кўздан кечирай, дардига малҳам бўлай, деган қатъий қарорга келдим. Беморлар билан бўладиган ана шундай нозик ҳолатларни кўзим қиймай номзодлигимга қолдим. Бу нарса маълум даражада мен учун армон, ушаламан орау бўлсада бундан асло афсусланмайман.

— Олтимиш йил умр кўриш, шу умрингиз 35 йилни одамлар умрини узайтиришга бағишлаш ҳазилкам гап эмас, албатта. Агар энди сизга эртага нафақаси чиниқ дегулик бўлишса, бундай тағлифга қандай қараган бўлар эдингиз!

— Борди-ю, шундай тақлиф бўладиган бўлса ва мени унга майбур этишса ҳам барибир мен ўзимни беморларга ёрдамчиси асло тасаввур этолмайман. Ҳозир ишаватган маҳаллада бўлса-да, аҳоли турар жойларида бўлса-да, тиббиёт соҳасида туллаган тажрибаларимни одамларга сарфлайман. Ахир, ўнги брошюра, 300 дан зиёд мақола муаллифи сифатида санитария маорифи соҳасида олиб борган тартиб ишларимдан одамлар баҳрамандай бўлисин дейман-да!

— Сўнги, анъанавий савол: «Тошкент оқишлари» рўномасининг фаол муаллифи сифатида муштарийларга тилакларингиз!

— Мана, 1992 йилга ҳам надам қўйди. Янги йил ҳаммаизга учун хайрли бўлсин. Ҳозир турмушимизда муаммолар жуда кўп. Шу қийинчиликларни енгишга сабр-бардошни бўлайлик. Дўкон пештахталарида қанд махсулотлари бўлмас ҳам майлига, аммо кишиларнинг мизани ХХ асрнинг энг оғир хасталикларидан бири бўлган қандли диабет касаллигидан Тангрининг ўзи асрасин, деб илтижо қиламан.

Сўхбатдош Солиқ ЕҚУВОВ.

Ҳар тўғрида

БЕШ МИЛЛИОН КИШИГА ЭТАДИ

БЕРЛИН. Берлин аҳолиси 2010 йилга бориб ҳозирги 3,4 миллион кишидан 4 миллион ёки ҳатто 5 миллион кишига етади. Бу ўсиш «аввало» ҳосилан муҳожирлар ҳисобига бўлади. Берлин нуфус жамияти мутахассислари шундай хулосага келдилар. Мутахассисларнинг бу ерда эълон қилинган тадқиқотига бошқа мамлакатлардан кўчиб келувчилар, айниқса «Германия пойтахти» аҳолисининг кенсаяш жарафини тўқатиб қолмаган кўпроқ таъсир ўтказаяди. Ҳозирги вақтда аҳолининг умуман бошқа иш тоқфаларига нисбатан ўшларнинг умумий миқдори фонд жиҳатидан қамалиб бормоқда. Ҳозирги вақтда шаҳарда яшовчи одамнинг ўртача ёши 39 да бўлиб 2 мингичи йилга бориб у деярли 43 ёшга етиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бошқа мамлакатлардан кўчиб келувчилар учун Берлин меҳнат ва турмуш шартоти жиҳатидан гога жозибалидир. Маҳаллий соҳиоларнинг таҳминларича, ҳозир шаҳар аҳолисининг 9 фоизини ташкил этувчи муҳожирлар келгуси асрнинг бошларида 15 фоизга, айрим фаразларга кўра, ҳатто 23 фоизга етади. Ҳозир Берлинда домий яшавган муҳожирларнинг ўртача ёши 29 йилни ташкил этади.

ҚИСКА ВАҚТ ИЧИДА

ХАНОЙ. Маъмурларнинг Вьетнамга чет элдан тамаки махсулотлари келиши йўлга ишончли гога қўйишга уринишлари сўнги йилларда 15 миллион кўтидан ортиқ сигарета мусодара қилинганга қарамай муваффақиятсиз чиқди. Бунда гаёриқонуний йўлдан сигарета келтиришнинг аниқланган ҳоллари умуман республикага ишрин равишда келтирилетган тамаки махсулотларнинг атиги 7 фоизини ташкил этишини ҳисобга олиш керак.

Буларнинг ҳаммаси Вьетнамнинг ўзига тамаки махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ўсиб бораётган шартда юз бермоқда, деб ёзда «Куан дой нан зен» газетаси. Термодийга қўйишга қорхоналар қисқа вақт ичда ускуналарни янгилаб, замонавий технологияларни жорий эта олдилар. Бу эса сўнги икки йил ичда сигарета ишлаб чиқаришини 40 фоизга кўпайтириш имконини берди.

БОЛАЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИГА ҚАРШИ

НЬО—ЮРК. АҚШ католик епископлари ўларнинг йиллик йилгилишларида кино ва телевидениеда зўрлик ва секс савалари кўрсатилишига қарши кампания бошлаганини айтиш эълон қилдилар. «Экранларда кенг намоий қилинаётган даҳшат, зўрлик ва секс кўрсатишлари мамлакатда кучиб бораётган жиноятчилик ва фахшиинг сабабларидан биридир», — деб ёзда «НЬОСДЕЙ» газетаси. — Эш авлоднинг маънавий ва ахлоқий қадриятлардан четлашиб, болаларнинг кўнгиқроқ фильмиери ердамида ўсимирларга аталган телекўрсатув ва радиозаширтирлардан бутунлай чиқариб ташлашини керак, чунки бўлжак Фуқаро йуни шу вақтда сафатида камол топади. Ҳозирча эса бунинг акси бўлаётди, дейдилар мақолада, — ш авлод гайкандлар, жиноятчилар сўғларнинг тўдирмоқда. Ёшлар орасида ҳаётнинг катта ижобиятини кўрмайдиган ундаслар сон кўпаймоқда. Кўп сонли тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга қараганда, ўтган йили 5 мингдан ортиқ бола ўз жонига қасд қилди ва ярим миллионга яқин ишлар ўз ҳаётига қасд қилишга уриниб кўрди.



— Тохир ака, кейинги йилларда фантастикдан кўра саргузашт асарлар ўзинга иштиёқ билдираётган. «Алвидо, бо-лалани», «Сўнги ўқ» сингари ўткир сюжетли қиссаларнинг мундас-ларингиз севиб ўқиш-япти. Янги романингиз ҳам саргузаштми? — Маълум, маънода ҳа. Янгигина ёзиб ту-гатган романимга «Шай-танак» деб ном қўйдим. Ассозий мавзу шу кеча-кундузда барчининг юрагига тошдек қада-либ турган ушган жи-ноятчилик, яна ҳам очик-роқ айтилган бўлса мафия фаолияти ҳақи-да. Мавзу шунчалар долзарб бўлган муал-лиф ўз-ўзидан саргузашт жанрига мурожаат эти-ши табиий.

— Романида қандай воқеалар юз беради!

— Бунинг аввалдан айтиб қў-йишим одобдан эмас. Ки-тоб-хонлар яхшиси роман босилиб чиққандан кейин уни ўқи-б қикдиришгани маъкул. Бугун севилик «Оқиш» рў-номасига тақдим этаятган бўлак эса романининг ҳали сийҳи кўримаган илк боб-лари.

— Шунинг ўзини «Оқиш»га бўлган муҳаббатингизни исботлаб турибди. Тохир ака, биз ҳам ўз навабатида «Оқиш» муштарийлари сизнинг асарларингизга ҳамиса муш-тоқлигини айтиб қўймоқчи-миз.

Тоҳир МАЛИК

ШАЙТАНАН

(РОМАНДАН ПАРЧА)

МАРКАЗДАН келган прокурорлар ҳамма ёқни ағдар-тунтар қилиб бутун бир халқни ўғри, муттаҳам, пораҳуға чиқариб, қалавининг бир учи энг юқори мансабларни эгаллаб турганларга тақалати, деб теқшира бошлашга, уларнинг «нотўғри иш юриганларни» маълум бўлиб қолди. Ҳалққа нисбатан андишасизлик қилиш мумкин экани, амел жалқари-нинг мушугини пишт дейиш эса шаққоқлик эканини у ақли қосирлар тушуниб етишмай хатога йўл қўйишди. Ўзбекизани билишганим, минг йил аввал бир доғишманда айтиб кетган «Йўншамагин ароб бўли, ароб ўрар ҳар боб билан» деган ҳикматга аҳамий беришармиди... Инқилоблар бўлаверди, қатоголган, қайта қуришлар ўтаверди, ҳикматлар эса қад-рини йўқотмади. Шунга фахларни етганда халқни битта қол-дирмай турмага тикчилари, бунинг эвазига мукофот олиб, талтайиб юришлари мумкин эди. Уларнинг саваллари ўттиз еттинчи йилда шундай қилишиб эди — кам бўлимади. Бу-ларни шайтон ақлдан оздирди. Хатарли йўлга бўри юборди. Улар ёмонлик дарахти фақат Ўзбекистонда ўсади, деб кели-шиб эди. Қарангки, дарахт танаси бу ерга келиб қолгани билан ҳаёт берувчи ўқ илдизи ўша томонларда экан. Улар энди ўша ўқ илдизи атрофида шовқин сола туришсин. Сиз гапни бу ёқдан эшитинг.

Хуллас, прокурорлар қайтиб кетишга, Москвадан йўлга чиқиб Волга дёрёси атрофидаги ботқоқларда адашиб юрган қайта қуриш деган тушуниқга Ўзбекистонга ҳам кўра-писса кириб келгандай бўлди. Адлияга оид идораларда ҳам ўза-ри бошланди. Яъни, гултуваллар ўзгартирилди, офтобга ташна гуллар эса биқик қоналарда қолверди. Туваллар янги, чиройли эди. Офтоб қўрмагани учун гулламайдиган гуллар эса ўша-ўша — яшлга мойил рангага ўқиб-ўқиб ўсарди. Қайта қуриш шарофати билан депара қидиру бўлимининг инспектори лейтенант Зоҳид Шариповга ҳам эйтиб бери қилин-ди: «Далоллиги, ўз ишига «виждонан муносабатда бўлгани» туфайли шу шаҳар прокуратурасига ишга олишди. Жумла бошқани қўштирнок орасига олганига киноя қилипти, дамаг. Бу жумла депара ички ишлар бўлими бошлигининг тасви-ломасидан олинди. Зоҳид чиндан ҳам ҳалол, виждонли йигит. Унинг айбан шу фазилати бошлиққа ёқмас эди. Бошлиқ «Қайта қуриш, ошқоралик деган бало қақдан чиқди!» деб норози бўлиб юрарди. Ана шу қайта қуриш жонига оро кирди: иш-ларни кўтариш масаласи кун тартибига қўйилганда шартта Зоҳиднинг номзодини кўрсатди.

Маънадедан лейтенантнинг бу мажлисида бир неча санчиб олиши, ҳақиқат талаб этиши бошлигининг эсини тескари қилиб юборган, мажлис деса қўнги ағдарилмоқда, кўз олдига Зо-ҳид келадиган бўлиб қолган эди. Зоҳид кетгач, атрофдаги икки-уч ҳақиқатпарварнинг ўз-ўзидан тинчишига ишонарди. Бошлиқ Зоҳидни «Менинг кўр ичганим», деб пичинг қиларди. Осонгина ташриқ туфайли бу озорли дарадан қутулганга шукр қилди. Лекин Зоҳид кўнчиқ эмас, буғрақанда тош экан. Уқтин-ўқтин қўзагаб, ваэвас қилиб турши мумкин экан. Зоҳид прокуратурада базофасини ўташга киришган кункиқ унинг қўлига шу депарага оид иш беришди. Кеча танана билан кузатишган лейтенант бугун яна бошлиқ хузуринда пайдо бўлди. Йилгари бошлиқ унга бақириб, ҳатто чиқариб юборшини мумкин эди. Энди эса жилмайиб қуришига маж-бур. Бошлиқ Зоҳидни бутунлай йўқ бўлиб кетаяди, деб ҳи-соблаган. Бироқ бунчалар тез келер, деб ўйламоқда.

Зоҳидга усти чойнак излариндан доғ бўлиб кетган битта стол, ошк-машуги аранг ирилиб турган китов жонига тур-ган тор хона мерос бўлиб қолди. Стол «тортмасида» «ВТ» сир-гаретасининг бўш кутиси, беш-олти дона чўп қолган синг-бор эди. Зоҳид уларни елиб сичтўрхалтага ташлади-да, стол устини чангдан тозалаш учун уч-тўрт бора қаттиқ пуфладди. Шу пуфлаш оқибатида қўқис уйғониб кетгандек телефон жоринглади.


— Шарипов, — деди у, телефон гўшагини қулоғига туттиб. — Лола кўчасиданги ўн еттинчи уйдан қора дори топишган. Қидирув гуруҳи жўнади. Бу иш энгиза топширилади. Буйроқ қисқа ва кетий эди. Зоҳид шовишиб ўрнанди турди-да, гўшагини жойига қўйиб, ташқарига йўл олди. У Лола кўчасини биларди. Ҳақ хизмат қилган миллиция бўлими-га яқин, маҳалла гузаридан чапта бунчиқини шу кўча бошла-нарди. Бу маҳалла тини, йилда бир-ичи мушталашиб бўлиб турши хисобга олинмас жиноятдан янача йирок эди. Маҳал-ларнинг осийшталлиги миллиция бўлими яқин жойлашгани учун эмас. Миллициячона кўнчиб келмасидан олдин ҳам маҳалла тини эди. Бу ердагиларнинг айтишича, биз тини олган «бур-иқки мушталашув» ҳам миллициячона кўнчиб келгандан сўн-г бошлаган. Бу қанчалик тўғри а нотўғри — яратганга ма-ълум. Маҳалларнинг осийшталлигига сабаб бу ердаги одаглар-га на «турурлик» деб ном олган йиллар таъсир ўтказма-олган, на қайта қуриш деган гаплар. Маҳалла авалдан қарилар ҳужимга бўйсуниб келган. Умри адвосига етган қарилар энг яхши одагларни ўзлари билан олиб кетмай, ўзларидан кейин-гиларга мерос қолдиришган. Кимга йлган, кимга чин; шай-танак бўлиб ичиб, оёқда туролмайдиган даражга етган одам ҳам маҳалла ҳудудига қадам босиш билан сергак тортиб қоларкан. Саломини қанда қилмай гузврдан ўтиб, уйига етиб оларкан.

Зоҳид маҳалларнинг бу одамларни яқин билгани учун ҳам боши қолди: қорадори билан ким шугуллангани мумкин! Бирон ерда жиноят содир бўлса қидирувчиларнинг кўз ол-дида дастлаб яқин орада қамондан қайтганлар келадди. Ёр-уйни ўриб кетган бўлса аввал ўтирлик усули билан иш-чиқиди. Евучинининг ўзига ҳос усулбу бўлганда, жиноят-чиларнинг ҳам ўз усулблари мавжуд. Али ўриннинг иш ҳақ маҳал Вали ўриннинг ишига ўқшамайди. Бёзлан жиноятчилар-нинг ўзлари миллицияга ердан беришани: услуб! кимники экани айтишади. Қора дорининг топилиши ҳам шундай «халқсиз хизмат» оқибати бўлиши мумкин.

Лола кўчасиданги ўн еттинчи олда иккита енгил ва бир тез ердан маъиниси турарди. Ҳангоматалабар ҳам тўплани-шиб қолишган эди. Уй ташқи томондан қараганда ҳаробинга кўрнанади. Ендаги иморетлар кўркак қариб тургани учунини, чиройли пештоқсиз бу уй одаий бостирмағе ўқшарди.

Зоҳид ичкари кирди. Узунасига эллик қадамча келадиган қовли ишқомдан нбораат эди. Ташқаридан гаёригина кўрн-ган уй ичкариси ҳам шу аҳолида экан. Эртада деқлига турнда обреш. Чап томонда ичкариқ уй кимёгарликки онд турни-туман ичкариқарга тўла. Уй томонда каттарок қона — ётоқ ҳам, енақшарга ҳам, меҳмонхона ҳам шунда мумжасан бўлган. Жиноят қидирув бўлимининг ҳодимлари — Зоҳиднинг ҳам-касблари шу ерда, ўртада думалоқ стол. Стол устида оқ кутунли шерфок қалтачалар — таниш манзара. Дараза ёндаги курсида ёш ишвон бошини ушлаб ўтирибди. Йилга-вериб ишчиб кетган. Хона турнда — диван. Диванда бир йигит беҳуш ётибди. Қидирувчилар бошлиғи — Ҳамдам Толи-пов Зоҳидга ахборот берди: (Давоми 4-бетда).

Тиббиётимиз фидойилари ИШХОНАСИ ЎЗИГА ОҲАНРАБОДЕК ТОРТАДИ



○ Бугунги суҳбатдошимизни «Оқиш» муштарийлари жуда яқин били-шади. Бунинг боиси шундаки, у рўзно-ма нашр этила бошлагандан то шу кун-га қадар тиббиёт масалаларига, инсон умрини узайтириш муаммоларига ба-ғишланган мақолалари билан фаол қатнашиб келаятган, яъни ҳам дўхтир-лик, ҳам муҳбирлик қилаётган муалли-фимиздир. Ана шу босдан унн муштарийларимизга батафсил таништири-шинг зарурати бормикан деган мулоҳаза билан савол аломати билан суҳбатдо-шимизга қарадик.

до бўлаётганлигини айтиб қолди. Зул-лик билан асаб касалликлари бўйича мутахассисди, чақирдиқ ва тезлик-билан беморни реанимация бўлимига ўт-каздик. Шундан кейин нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Азбаройди ҳажжон-ланганимдан беморнинг ҳоли нима кечадди деб ўйлаганимдан қон босимим бирдан кўтарилиб ҳушимни йўқотибман. Бор гап шу.

— Ана шундай нохуш ҳолга тушган пайтнингизда шифокор бўлганингиздан ҳеч афсус чекканмики?

— Йўқ, асло афсус чекмаганман. Чунки аксарият шифокорлар каби мен ҳам ёшлигимда ҳақим бўлишга, умр бўйи инсон саломатлигини сақлашга қатъий аҳд-паймон қилганман. Бунинг сабабини сўрасангиз учта укам менин-гиз касаллигидан оламдан бевақт кўз юмишган. Бу нарса, укаларимнинг ўлими мен учун бир умрга армон бў-либ қолган...

— Айтилди, сиз 10-сингиз тугалаб касб танлаш бўлагасида турбисиз. Шундай иккомият берилганда яна шифокорлиқни танлармидингиз!

— Бу саволингизга қисман жавоб бердим. Ҳа, фақат шу касбини танлаган бўлардим. Бунинг боиси, яна қайтариб айтман: мен ўзимни умр бўйи шифокор-лик касбига бахшида этганлигимдadir.

— Ундай бўлса агаптироқ бир савол берсам майлими! Нега фарзандларингиз шифокорлиқни танламаган! Ёки «Менинг шифокор бўлганим этар, кў қўларинг бу касбини, бошқа ҳунр эгаси бўларинг», деганимиз...

— Шифокорлик — бу жуда катта масъулият, катта матонат демайдир. Агар у беморни ўзининг туғишган ота-си, онаси, ака ёки онаси, хуллас энг яқин кишисидек билмас, унинг дарди-га яқиндан қўлоқ солмас, ичидига га-мини эшитмас, куюнча бўлмас асло шифокор бўлолмайди. Келинг, шу ўрин-да бир мисол келтириб ўтай. Салкам 30 йилдан бери, мени ўзига жуда яқин олиб, бутун дарду хасратини айтди-ган бир беморим бор. У вақти-вақти билан хузуримга келиб бора сирларид-дан мени оғоҳ этади, мен билан дилини бироз бағач енгил тортади. «Дўхтир, гапларимни диққат бериб тинглайсиз, ўз маслаҳатларингиз билан руҳимни енгиллаштирасиз, шунинг учун менга дори-дармон керак эмас, фақат сизнинг ширин сўзингиз бўлса бўлгани», — дейди у.

илмгоҳи деб аталар эди) дастлабки шифокорлик фаолиятини бошлашимда мен учратган биринчи инсон Елқин Тўрақуллов бўлдилар. Улар ўпанда ҳам шу ерда директор эдилар. Домла мен билан обдон суҳбатлашган каминани фарманотерия лабораториясида ишлаш учун ҳали сиз юқорида табаруқ но-ларини тилга олган Ниёза Келгинбоевга бердилар ва шундай деб уқтирдилар: «Биз Ўзбекистонда чиққан дориларни ўрганишимиз керак. Маҳаллий дорилар-ни юрак-қон томирларига синая кўриши-миз лозим. Бу ишда бир гуруҳ олимлар билан сиз ҳам қатнашасиз».

Буни қарангки, домлангиз менга бер-ган ана шу оқ фотиҳалари кейинчалик илмий даражани ёқлаш даражасига олиб келди. Мен академик Аҳдам Юно-сов, Зулфия Умидова, профессор Эргаш Отахонов сингари буюк ва камтар, фа-нимизнинг ва тиббиётимизнинг чинакам фидойилари ва аҳамиятларидан йўл-йўриқ, маслаҳатлар олганлигимдан фахрланаман. Елқин Тўрақулловнинг мен учун энг ибратли фаёлиятларига — ростиқўйлик, ҳақиқатни айтиш, бир сўз-лик, талабчанлик, касбга фидойилик, кишиларга меҳрибонлик каби ақоийб ихтилатларига доим қўйил қоламан ва таян бераман.

— Аввал сиз юрак хасталиғи бўйича, тахисини аниқ қўя оладиган мутахассис эдингиз. Очик гапни айтиш керак: бизда беморга тахис қўйиш рисоладагидек эмас. Тўғрими! Кейин сиз ихтисослашдингиз ўзгартирдингиз, яъни кардиологик-дан эндокринологикка айландингиз. Бунинг боиси нимада!

— Бунинг боиси шундаки, қандли диабет билан хасталанган беморларда доимо юрак-қон томирларинда салбий ўзгаришлар рўй беради. Бундай вағнда энг аввало кардиолог бўлган мутахас-сис асқотади. Бу хасталик айниқса ёши ўтган кишиларда кўп юз беради. Шун-нинг учун ҳам мен бу касбини — эндо-кринологикни эгаллашга жаам этдим. Бундан мен ҳеч нарса йўқотмадим. Балки ютдим. Диабетда беморлар юрак пороғи билан, қон босими кўтарилиши билан, стенокардия ҳўружлари билан келишади. Бу хасталиклар юрак-қон то-мир касалликлари тарихига кирди. Шу босдан ҳам кардиолог ихтисослиғи-ни эгаллаган кишининг диабетология бўлимида ишлашини мен рисоладагидек деб биламан.



ТАСС суратлари.

Ҳамдўстлик

янгиликлари

КАРЕЛИЯНИНГ Кини оро-лидаги жаҳонда машҳур бўл-ган мейморий музей-қўриқсо-на нафақат маънавиятимиз са-ватчиларини, балки Финлянд-ия, Франция, Швеция ҳамда Олмондан калган меҳмон-ларни ҳам қабул қилади.

СУРАТДА: Кини оролида [чапдаги сурат] Шведиядан келган меҳмонлар.

МОСКВАДАГИ Большая театрдә бастакор Л. Минкус-нинг «Хинд рақосаси» янги балет-спектакли балетмейстер Юри Григорович бошчили-гида сахнага қўйилди. Дирек-тёр — РСФСР халқ артисти Александр Копилов.

СУРАТДА: премьер а олди-дан.



ШАЙТАНАТ

(РОМАНДАН ПАРЧА)

[Давоми. Бошланishi 3-бетда.]

— Уй эгаси Шариф Намозов. Анави ётган йигит. Вино заводда бош муҳандис экан. Бир халта портфелдан чиқди. Қолганлари нарги хонадан. Тажрибахонаси эмиш.

— Узи мастми?

— Гирт маст. Билганида игна изи бор. Ҳозир қон олишди, натижасини айтиб қолишди. Анави аёл хотини экан. Ҳеч нимани билмайман, дейди.

— Изига қандай тушдинглар?

— Иккита гиёҳванд йигитни тутувдик. Қаердан олдиларинг, десак, шу ерни айтишди.

— Осонгина айтишдимми ё қийнадингларми?

— Ҳамдам «Мени билсан-ку», дегандай қўлимсираб қўйди. Зоҳид бўш стулни олиб, авлининг рўпарасига ўтирд-да, ўзини таништирди.

— Имингиз нима?

— Насиба, — жувон шундай деб унга наҳот кўзи билан тикилди.

— Эрингиз нима иш қиладилар?

— Вино заводда ишлайдилар. Икки ойгина бўлди, кўтаришувди. Португалияликлар бу кишининг ишларини сотиб олишгандан кейин одамларнинг ўзлари сайлаб қўйишди. Қўмсалар ҳам ўрлашди. Бошлиқ бўлишга сирам тоқталари йўқ эди.

— Португалияликлар қанақа ишни сотиб олишди?

— Мусаллас олишининг янги усулини топган эдилар. Беш йилдан бери сарсон эдилар. Узимизникилар ҳеч ўтказишмади. Улар қаёқдандир эшитиб қолишиб, атай келиб текшириб кўришди.

— Эрингиз кўп ичармидилар?

— Йў-йў, бунақа ичмасдилар. Синаш учун бир хўплам-бир хўплам ичардилар холос. Бунақа аҳволда ҳеч кўрмаганман. Узим ҳам кўриб кетдим.

— Соат нечада келган эдилар?

— Ун иккиларда. Бунақа кеч юрмасдилар. Тўйга борсалар ҳам вақтли қайтардилар.

— Уларни юриб келдиларми?

— Билмадим, — Насиба ўйлади. Машинада келдилар шеклиги. Ҳа, аввал машина тўхтади. Кейин кўнгирак чалинди. Чиксам, деворга суяниб ўтирибдилар. Уйга зўрга олиб кирдим.

— Булар қаердан келди? — деди Зоҳид стол устидаги халтачаларни кўрсатиб.

— Билмадим... Булар келишди. Уйни тинтишди. Мен аққайиб турардим.

Зоҳид ўрнандан туриб даҳлизда чекаётган Ҳамдамга яқинлашди.

— Тинтувага рухсатномагиз бор эдимми? — деди. Ҳамдам кулиб қўйди.

— Рухсатнома олгунча булар кутиб ўтиришмайди. Тинтиб, топиб қўйибмиз-ку!

Зоҳид унинг иш услубини биларди: Ҳамдам ҳаммаша шошилиб ишларди. Баъзан қонун-қондаларга ҳам риоя қилмас эди. Жавобдан бўйин таволаётган жиноятчининг қорнига беҳос мушт тушириб қолишни яхши кўрарди. Мушт еган одам букчайиб, ихраниётганда у хотиржам сигарет тутатарди. Зоҳидга унинг бундай усуллари ёқмас эди. Ленин ҳалоллиги, жиноятчига бевақфет бўлгани учун уни ёқтирарди.

— Гиёҳвандларнинг сурати борми?

— Ҳамдам кўкрак чўнтагидан бешта сурат чиқариб, иккитасини ажратди:

— Мана булар. Кўрсатдим, танимади.

— Қачон олишган экан?

— Уч кун олдин.

Зоҳид суратни олиб, изига қайтди.

— Мана буларга диққат билан қара. Шошылманг. Бирон-таси унингизга келганми?

— Аёл синиклаб қараб, бош чайкади.

— Яхшилаб эсланг. Балки биронтаси уч кун олдин келиб эрингизга учрашгандир?

— Келса билардим. Ададига учрашишлари мумкин эмас. Уч кун олдин у киши Ереванда эдилар.

— Қачон келдилар?

— Кеча эрталаб келиб, чой-пой ичиб кейин ишга кетдилар.

— Бу ерга нотаниш одамлар келиб туришармики, масалан, бир нарсга сўрабми?

— Йўқ, одам кам бўлади уйимизда. У киши доим иш билан бандлар. Бекордан бекорга гаплашиб ўтиришни ёқтирмайдилар.

— Мусаллас сўраб келишмайди?

— Кўзи-қўшинлар чикиб туришди.

Даҳлизга оқ халатли аёл кириб, Ҳамдамга нимадир деди. Ҳамдам чикари кириб Зоҳиднинг қўлига шивирлади:

— Қондан қора дори топишган.

Зоҳид ўрнандан туриб уни даҳлизга томон бошлади.

— Гиёҳванд йигитларингиз қаерда?

— Уларимизда, изоляторда.

— Юрингиз, улар билан гаплашишим керак, — Зоҳид шундай деб таъкирларга йўналди.

Гиёҳванд йигитлардан бирининг пасти лаби осилган, кўзлари қақчайган, иккинчисининг қарашлари соғуқ, ўнг юзюда узун тиртиқ бор эди.

— Билганинги кўрсат, — деди Зоҳид тиртиқка.

У «Шу ҳам ишим!» дегандай эринигина кўрткасини ечиб, кўйлагининг егини шивирлади. Лаби осилган йигитнинг Зоиҳидга ҳам итга излари бор эди. Уларнинг гиёҳвандлигига Зоҳидда шубҳа қолмади.

— Кукунини қаердан олардиларинг? — деб сўради Зоҳид.

— Братанга этганмиз, қаёқдан огаўузани, — деди лаби осилган йигит.

— Мана ҳам айт.

— Лола кўчасидан... ўн еттинчи уйда турадиган Шариф ака деган киши.

— Икковинг бирга борганмисан?

— Бир хил пайтда ман борардим, бир хил пайтда бу борарди, бир хил пайтда иккалавуза борардик.

Зоҳид хал Ҳамдамдан олган суратларни чўнтагидан чиқариб, учтасини ажратиб олди-да, стол устига ёйиб, лаби осилганин чикрди.

— Қара, Шариф акани қайси бири?

Йигит ўрадики ўхшаб лаванглаб келиб суратларга узоқ тикилдики, биттасини кўрсатди.

— Жойингизга ўтир, — Зоҳид шундай деб суратларнинг жойини алмаштирди-да, тиртиқни чикрди. У бошқа суратни кўрсатди.

— Охириги марта қачон борувдиларинг? — деб сўради Зоҳид.

— Уч кун бўлди.

— Балки тўрт кундир?

— Вей, братан, ман ўзим борганман. Соңқа йўғиди, қарзга берган. Ништяк одам у. Ҳазин лабораторияси бор. Айи момент тайёрлаб беради.

— Лабораториясига кирганмисан?

— Кирганманда. Шундоқ яп томонда.

— Айвондан ўтгандами?

— Ҳа-да, билиб туриб сўруврасизми?

Зоҳид «бу ёнга нима дейсан?» деб Ҳамдамга қаради.

— Айвоннинг олди ромили?

— Лаби осилган йигит ўйлаиб қолди.

— Ром бўлса керак, — деди иккинчиган қолди.

— Ёлгон гапирмай! — деди Ҳамдам бақириб.

— Братан, алдаётганин йўқ.

Ҳамдам унга яқинлашиб, ақсини чапгаллаб ўрнандан турғизди.

[Давоми бор.]

ТИЖКОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА ЛЕКТОРЛАР УЙИ
«САЛОМАТЛИК» ТЕЗКОР

ДОРИЛФУНУНИНИНГ

УЙ ШАРОИТИДА БЕМОРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ
БЎЙИЧА КИЧИК ТИВВИЙ ҲАМШИРАЛАР
ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ФАКУЛЬТЕТИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДАСТУРДА БЕМОРЛАРГА ҚАРАШ ҚОЙДАЛАРИ,
ШИФОКОР ЕТИВ КЕЛГУНГА ҚАДАР БИРИНЧИ ЕР-
ДАМ КЎРСАТИШ КЎНИКМАЛАРИ ЎРГАТИЛАДИ.

Машғулотлар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги
таълиқлар дастури бўйича, Тошкент шаҳридаги тиббий
билиқ юрлардан бирининг негизда, ўзбек ва рус тил-
ларида олиб борилди.

Дастлабки йиғилиш 10 январь соат 17.00 да
бўлади.

МАШҒУЛОТЛАР 11 ЯНВАРДАН
БОШЛанаДИ

Манзилмиз: А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефон
44-60-39.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТҚЛИ ЗАЕМИ

80-ТИРАЖНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1991 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДА МОСКВА

ШАҲРИДА УЯНАЛДИ

Завмининг эллик етти раъридаги серия ва облигациялар-
нинг куйидаги номерларига ютуқлар чиқди

| серия номерлари | облигация номерлари | ютуқ миқдори (сўм билан) | серия номерлари | облигация номерлари | ютуқ миқдори (сўм билан) | серия номерлари | облигация номерлари | ютуқ миқдори (сўм билан) |
|--------------------|------------------------|--------------------------------|--------------------|------------------------|--------------------------------|--------------------|------------------------|--------------------------------|
| 201325 | 1-100 | 300 | 229583 | 008* | 10000 | 257586 | 020* | 10000 |
| 201366 | 1-100 | 300 | 229674 | 1-100 | 300 | 257813 | 1-100 | 500 |
| 201802 | 1-100 | 300 | 229777 | 007* | 25000 | 258978 | 1-100 | 300 |
| 202129 | 022* | 2500 | 229906 | 1-100 | 300 | 260323 | 1-100 | 300 |
| 202436 | 1-100 | 500 | 229927 | 055* | 2500 | 261083 | 1-100 | 300 |
| 202695 | 065* | 5000 | 230112 | 1-100 | 500 | 261306 | 1-100 | 300 |
| 202834 | 1-100 | 300 | 230186 | 035* | 10000 | 262833 | 1-100 | 300 |
| 203490 | 021* | 5000 | 230268 | 078* | 2500 | 264042 | 027* | 25000 |
| 204438 | 046* | 2500 | 230894 | 092* | 2500 | 265523 | 015* | 2500 |
| 204579 | 060* | 5000 | 231167 | 1-100 | 300 | 265895 | 1-100 | 300 |
| 204648 | 087* | 2500 | 231248 | 1-100 | 300 | 265979 | 1-100 | 300 |
| 204945 | 1-100 | 300 | 231349 | 039* | 2500 | 266250 | 040* | 2500 |
| 205251 | 1-100 | 500 | 231421 | 1-100 | 300 | 266573 | 1-100 | 300 |
| 205699 | 096* | 5000 | 231659 | 1-100 | 300 | 267521 | 1-100 | 300 |
| 206177 | 100* | 2500 | 232371 | 1-100 | 500 | 269007 | 009* | 5000 |
| 206235 | 1-100 | 300 | 232436 | 075* | 2500 | 271140 | 1-100 | 500 |
| 208076 | 038* | 25000 | 232746 | 026* | 5000 | 271538 | 066* | 5000 |
| 208373 | 1-100 | 500 | 232960 | 083* | 1000 | 271934 | 056* | 5000 |
| 208499 | 051* | 2500 | 233737 | 072* | 2500 | 272556 | 1-100 | 300 |
| 208666 | 1-100 | 500 | 233776 | 073* | 5000 | 273195 | 067* | 10000 |
| 208699 | 087* | 2500 | 234618 | 073* | 2500 | 273814 | 016* | 1000 |
| 208759 | 038* | 2500 | 234806 | 098* | 1000 | 274405 | 1-100 | 500 |
| 210095 | 1-100 | 300 | 236130 | 1-100 | 500 | 275147 | 057* | 2500 |
| 211105 | 061* | 10000 | 236225 | 055* | 5000 | 276281 | 013* | 25000 |
| 211658 | 1-100 | 300 | 236977 | 049* | 5000 | 276936 | 1-100 | 300 |
| 212122 | 1-100 | 300 | 237202 | 1-100 | 300 | 277659 | 098* | 1000 |
| 212264 | 1-100 | 300 | 237468 | 017* | 5000 | 277989 | 098* | 2500 |
| 213310 | 1-100 | 300 | 237662 | 064* | 1000 | 278715 | 012* | 2500 |
| 213394 | 001* | 2500 | 238241 | 084* | 2500 | 281286 | 055* | 1000 |
| 213583 | 087* | 5000 | 239848 | 036* | 2500 | 282535 | 044* | 1000 |
| 213793 | 1-100 | 300 | 240282 | 011* | 2500 | 282659 | 064* | 5000 |
| 213948 | 019* | 2500 | 240962 | 017* | 2500 | 282869 | 092* | 1000 |
| 214000 | 1-100 | 500 | 241213 | 069* | 5000 | 283606 | 1-100 | 300 |
| 214517 | 021* | 5000 | 241258 | 1-100 | 300 | 284354 | 1-100 | 300 |
| 215426 | 012* | 5000 | 242957 | 1-100 | 300 | 285106 | 079* | 2500 |
| 215633 | 011* | 10000 | 243995 | 061* | 5000 | 285650 | 1-100 | 300 |
| 215806 | 054* | 5000 | 244328 | 037* | 2500 | 285851 | 038* | 2500 |
| 218295 | 1-100 | 300 | 244771 | 062* | 5000 | 286083 | 1-100 | 500 |
| 218897 | 1-100 | 300 | 244896 | 005* | 5000 | 286226 | 1-100 | 300 |
| 218990 | 1-100 | 300 | 244941 | 041* | 5000 | 286526 | 1-100 | 500 |
| 219452 | 009* | 2500 | 245101 | 038* | 10000 | 286874 | 1-100 | 500 |
| 219761 | 097* | 2500 | 245773 | 039* | 2500 | 287580 | 073* | 1000 |
| 219932 | 1-100 | 500 | 246002 | 049* | 2500 | 287603 | 1-100 | 300 |
| 220249 | 040* | 2500 | 246002 | 049* | 2500 | 287687 | 024* | 5000 |
| 220281 | 029* | 1000 | 246033 | 042* | 1000 | 287849 | 052* | 1000 |
| 220295 | 021* | 2500 | 246485 | 1-100 | 300 | 288753 | 1-100 | 500 |
| 220323 | 028* | 2500 | 246427 | 096* | 1000 | 288764 | 060* | 1000 |
| 220969 | 078* | 1000 | 246607 | 1-100 | 300 | 288910 | 1-100 | 300 |
| 221449 | 085* | 1000 | 246686 | 1-100 | 300 | 289163 | 098* | 10000 |
| 222163 | 001* | 5000 | 246908 | 028* | 2500 | 290337 | 1-100 | 300 |
| 222693 | 1-100 | 300 | 250087 | 072* | 5000 | 290665 | 071* | 2500 |
| 223076 | 1-100 | 300 | 251250 | 023* | 5000 | 291332 | 078* | 2500 |
| 223942 | 085* | 2500 | 251827 | 032* | 1000 | 292769 | 021* | 2500 |
| 224013 | 1-100 | 300 | 252001 | 047* | 2500 | 292945 | 070* | 2500 |
| 224351 | 1-100 | 300 | 252216 | 1-100 | 300 | 293532 | 033* | 2500 |
| 224486 | 1-100 | 300 | 253067 | 1-100 | 300 | 294083 | 1-100 | 300 |
| 225378 | 1-100 | 500 | 253106 | 054* | 5000 | 294195 | 064* | 2500 |
| 225344 | 1-100 | 300 | 253322 | 046* | 2500 | 294828 | 083* | 5000 |
| 226345 | 1-100 | 300 | 254002 | 1-100 | 300 | 294958 | 024* | 2500 |
| 226559 | 1-100 | 300 | 254551 | 1-100 | 500 | 295106 | 026* | 10000 |
| 226635 | 002* | 5000 | 255164 | 1-100 | 300 | 295610 | 005* | 2500 |
| 226659 | 019* | 2500 | 255180 | 1-100 | 300 | 295660 | 1-100 | 300 |
| 227047 | 1-100 | 500 | 256441 | 022* | 5000 | 295780 | 042* | 5000 |
| 227226 | 1-100 | 300 | 256635 | 1-100 | 500 | 296812 | 1-100 | 300 |
| 227586 | 036* | 1000 | 256892 | 086* | 10000 | 296896 | 006* | 1000 |
| 228271 | 1-100 | 300 | 256999 | 090* | 2500 | 297230 | 1-100 | 300 |
| 228493 | 068* | 1000 | 257280 | 1-100 | 300 | | | |

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 300
сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўр-
сатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 300, 500
сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облига-
цияларнинг барча номерларига айнан 800, 1000 сўм ютуқ
ўтказилди. 100 сўмлик облигация номерларидан бирини 1000,
2500, 5000, 10000, 25000 сўм миқдорда ютуқ чиққанда унинг
иккинчи номерига 300 сўм чиқди ва облигация бўйича
1300, 2800, 5300, 10300, 25300 сўм ўтказилди. 25 сўм қиймати-
даги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқ-
нинг ярми ўтказилди.

Ютуқ пуллага ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати
қам қиларди.

Манкур жадвал расмиий ҳужжат ҳисобланиб, ССЖИ Жамағар-
малар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газе-
тининг навабдаги сонин чиққан кундан бошлаб ютуқларни
белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси расиси — Москва ша-
ҳар Марказий маъмурий округи Префектураси профтехуни-
верситетининг ўринбосари А. В. Белова.

Тираж комиссиясининг масъул нотиби В. А. Причнова.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА

11, 27 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ЖУМАНИЕЗ ЖАВБОРОВ асарин
ИКРОМ АКБАРОВ мусиқаси

МЕНИНГ ОПОҚ ҚАБУТЛАРИМ

(икки пардали комедия)

Саҳнага қўювчи режиссёр — АҲАД ФАРМОНОВ.
Дирижёр — ЭРГАШ ТОШМАТОВ.

Саҳна безакларини мусаввир — СОБИР БЕКМАТОВ
ишлаган.

Концертмейстерлар — БЕЛЛА ЦЕПЕМАН, КОМИЛ
САЪДУЛЛАЕВ.

СПЕКТАКЛДА артистлардан РАВШАН СОЛИХОВ,
ДИЛОРОМ САФОВЕВА, ЗУЛАЙХО БОЙХОНОВА, МЕҲ-
РИ БЕКЧОНОВА, РУСТАМ МАЪДИЕВ, ҲАМИД ТУҲ-
ТАЕВ, АЛЕКСАНДР БЕКЧОНОВ, ГҮЛЧЕХРА ОБИ-
ДОВА, МАЪРУФ ОТАЖОНОВ, БОИР ХОЛМИРЗАЕВ,
НАСРИДИН РУСТАМОВ, МИРЗА АЗИЗОВ, МУ-
ШАРРАФ ТУҲТАЕВА ва бошқалар иштирок этадилар.

Томошалар кеч соат 18.00 да бошланади.

Касса соат 10.00 да очил.

ОММАВИЙ ТАЛАВНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Телефонлар: 45-16-33, 45-36-55, 45-49-41.

ҲАМЗА НОМИДАГИ МАДАНИЯТ УЙИ
АМАЛИЙ САҲЪАТ МАКТАБИНИНГ
ҚУЙИДАГИ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИЧИШ ВА ТИКИШ (рус ва ўзбек гуруҳлари),
МАКРАМЕ,
ГҮЛ ЯСАШ,
МАШИНАДА КАШТА ТИКИШ,
ҚҮЛДА ТУҶИШ,
ШИМ ТИКИШ (3 ой).